Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 15-iyun, shanba № 72 (3265)

Баҳрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Ислом КАРИМОВ

МУШТАРАК ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР — МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 13 июн куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 14 июн куни Кўксаройда бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Қозоғистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат раҳбарлари шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Икки давлат раҳбарлари тор доирадаги музокараларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, минтақадаги ва халқаро майдондаги бугунги ҳолатни атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кўриб чиқилган икки ва кўп томонлама хусусиятга эга деярли барча масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ва яқин экани таъкидланди.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги давлатлараро мулоқотлар қарор топганини ҳамда давлатларимизнинг миллий манфаатларини ва бугунги давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликни ҳар томонлама янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш борасидаги интилишлари муштарак эканини таъкидладилар.

Қатъий сиёсий ирода, яқин ҳамжиҳатлик, мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий база ҳамда конструктив ҳамкорлик борасида тўпланган катта тажриба натижасида бугун узоқ муддатга мўлжалланган кенг кўламли самарали ҳамкорлик учун барча зарур шароитлар ва асослар яратилган.

Ўзбекистонда Қозоғистонга вақт синовидан ўтган ишончли қўшни сифатида қаралади. Қозоғистон ҳам мамлакатимизга ана шундай нуқтаи назар билан қарайди.

Ўзбек ва қозоқ халқларини кўп асрлик қардошлик ришталари, муштарак тарих ва тақдир, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Таъкидланганидек, халқларимизнинг умумий тарихий меросини, шунингдек, уларнинг бугуни ва келажагини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз ҳар доим ўзаро яқин бўлганмиз ва ҳамиша бир-биримизга суянамиз.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш нафақат ўзаро ҳамкорликнинг узоқ муддатли истиқболлари, айни вақтда бутун Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва равнақини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев минтақавий хавфсизлик масалаларини муҳокама қилар эканлар, Ўзбекистон ва Қозоғистон Афғонистондаги вазият тезроқ изга тушишидан манфаатдор эканини таъкидладилар ҳамда давлатларимизнинг ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклашга қўшаётган ҳиссасини ижобий баҳоладилар.

Томонлар минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида алоқаларни янада фаоллаштириш ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда минтақавий ва халқаро даражада тараққиётнинг янги йўналишлари учун замин яратади. Шу маънода Ўзбекистон ва Қозоғистон бундан буён ҳам БМТ, МДҲ, ШҲТ каби кўп томонлама тузилмалар доирасида бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашга тайёр.

Учрашув чоғида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик доирасидаги муносабатларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга халқларимизнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда биргаликда ҳар икки томон учун мақбул ечим топиш мақсадида олий даражадаги Ўзбекистон-Қозоғистон мулоқотини давом эттиришга келишиб олинди.

Президентлар терроризм, наркотрафик, диний экстремизм, сепаратизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим эканлигини таъкидладилар.

Томонлар Ўрта Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш тизими масалаларида ягона позицияни тасдиқладилар. Мазкур позиция минтақадаги барча сув-энергетика муаммоларини фақат халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва минтақадаги барча мамлакатларнинг манфаатларини, албатта, ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш зарурлигига асосланади. Дарёларнинг юқори қисмида қурилиши режалаштирилаётган ҳар қандай гидротехник иншоотлар БМТ шафелигида халқаро мустақил экспертизадан ўтказилиши шарт ҳамда Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар билан ўзаро келишиб олиниши лозим.

Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларга қаратилди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шериклари-дан бири бўлиб, ўзаро савдо изчил ва барқарор ўсиб бормоқда. 2012 йил якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 9,6 фоиз ошди ва 2 миллиард 752 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. 2013 йилнинг январ-апрел ойларида эса ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоиз ўсди ва 920,4 миллион долларга етди.

Транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг устувор йўналишларидир. Бу борада юкларни транзит қилиш ва етказиб беришни ташкил этишда тариф ва нотариф преференциялар бериш ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади. 2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг Қозоғистон ҳудуди орқали транзит қилинган юклари ҳажми 1474,6 минг тоннани, Қозоғистоннинг Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит қилинган юклари ҳажми 3142,9 минг тоннани ташкил қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон капитали иштирокида тузилган 177 корхона, шу жумладан, 149 қўшма корхона ва 28 тўлиқ чет эл капитали иштирокидаги корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида ташкил этилган 125 корхона рўйхатга олинган. Вазирлик томонидан Қозоғистоннинг қатор йирик фирма ва компанияларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган.

(Давоми 2-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз шу йил 1 сентябр куни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйини катта тантана, шоду хуррамлик билан кенг нишонлайди.

Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини марказда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу қутлуғ сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни холисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга, аввало, қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, **«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!»** деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мустақиллик — бу, аввало, ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини кенг очиб бериш;

халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини чуқур таҳлиллар орқали кўрсатиш;

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — ўзбек моделининг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётганини аҳоли ўртасида ўтказиладиган ташвиқот-тарғибот ишлари, жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши деб қабул қилиш;

мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун» деган, одамларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилишларни яққол ифода этган олижаноб даъват халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида сафарбар этгани, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб боргани истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобида қолиб кетган таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар моҳиятини теран акс эттириш. Жумладан, ғоят оғир айни ўша шароитда аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақидаги фармон ва қарорлар қабул қилингани, шу асосда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси бўлиб 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлганини чуқур очиб бериш. Ана шундай ўзгаришлар туфайли одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига, мустақиллик ҳар қайси оила, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат эканига чин дилдан ишонч ҳосил қилгани ва шу каби бошқа мисолларда мустақиллик деган буюк тарихий ҳодисанинг қадр-қиммати ва аҳамияти ҳақида фикр юритиш;

(Давоми 2-саҳифада).

БОШЛАНҒИЧЛАР ҲАЁТИДАН

Яккасарой туманидаги Тижорат ва тадбиркорлик коллежи намунали ўқув муассасаларидан ҳисобланади. Мазкур коллежда ёшлар молия, банк иши, солиқ ва солиққа тортиш, бухгалтерия, менежмент ва савдо йўналишларида малакали ва тажрибали устозлардан таълим олишмоқда. 1054 нафар ўқувчининг 352 нафари битирувчилардир.

Ҳамжиҳатлик билан

— Таъкидлаш жоизки, битирувчиларнинг қирқ фоизидан ортиғи амалиёт ўтаган жойларига ишга жойлашишди, — дейди коллеж директори Шокиржон Дониёров. — Олий ўқув юртида таҳсилни давом эттиришни мақсад қилган битирувчиларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Мабодо, ўқишга киролмайдиган бўлса, улар уч томонлама шартнома асосида мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилади. 12 нафар талаба тадбиркорлик билан шуғулланаяпти. 2 нафари эса ўз бизнесини йўлга қўйиш мақсадида кредит олди.

Коллежда спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий ва бошқа тадбирлар уюштиришда касаба уюшмасининг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Масалан, «Қизлар давраси» танловида ўқувчилар туман ва шаҳарда фахрли ўринларга сазовор бўлишди. Шу билан бирга, байрамлар, жамоат ишларида фаол қатнашган аълочи талабалар, фаолияти намунали деб топилган ўқитувчиларни рағбатлантириб бориш анъанага айланган.

— Ўқитувчи ва талабаларнинг оилавий шароитини ўрганишга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Хуршид Умиров. — Натижада, кам таъминланган 4 нафар талаба ва яна шунча ўқитувчига моддий ёрдам кўрсатилди. 2 нафар ўқитувчига соғликларини тиклаш учун «Турон» санаторийсига йўлланма ажратилди. Шунингдек, ходимларга театр ва кинолларга чипталар тарқатилаяпти. Улар диққатга сазовор жойлар бўйлаб саёҳатларга олиб чиқиляпти.

Жорий йил коллежга 300 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган. Ана шу мақсадда ўтган йилнинг ноябр ойидан ҳозирги кунгача ҳафтанинг бир куни «Очиқ эшиклар куни» деб эълон қилинган. Унда абитуриентларга керакли маслаҳатлар, ҳужжат топширишда лозим бўладиган ҳужжатлар ҳамда уларни қизиқтирган бошқа саволлар юзасидан жавоб қайтарилаётир.

Сарвиноз ТЎХТАЕВА

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ



Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги «Қувасойцемент» акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги юқори сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан. Бу ерда 1 минг 700 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилади.

Айни пайтда корхонада модернизация ишлари давом этмоқда. Жорий йилнинг беш ойида корхона жамоаси 367 минг тоннадан ортиқ цемент ишлаб чиқарди.

Суратда: (ўнгдан) цех бошлиғи Неъматжон Абдуллаев ва ишчи Илҳом Нурмуҳаммедов.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

БУГУНГИ ЁШЛАР

Юртимизда истеъдод эгалари кўп. Улардан бири ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, катталар ўртасида жаҳон чемпионати бронза медали совриндори, Лондон олимпиадаси иштирокчиси Жасурбек Латипов (52 кг.)лир.

Иқтидорли боксчи билан суҳбатимиз унинг бугунги фаолияти ва келгуси режалари хусусида кечди.

Жасур ЛАТИПОВ:

«Онамга Олимпиада медалини совға қилмоқчиман»

— Пахтаобод туманининг Уйғур қишлоғида туғилганман, — дейди Жасурбек Латипов. — Даставвал каратэ билан шуғулландим. Боксга қизиқишимга амаким Адҳамжон Латипов сабабчи бўлганлар. Ўн бир ёшимда у киши мени қишлоғимиздаги бокс тўгарагига етаклаб боргани ҳамон эсимда. Илк сабоқни мураббий Абдулҳафиз Эгамовдан олганман. Очиғи, бошида анча қийналганман. 2000 йили Сидней Олимпиадасида Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг барча рақибларини енгиб, олтин медални қўлга киритгани менга куч ва руҳ бахш этди. Номдор боксчидан илҳомланиб, «Мен ҳам Олимпиадада қатнашаман. Юртимизга албатта медал билан қайтаман», дея уйимдагиларга сўз бердим.

— Сиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида қатор совринларни қўлга киритгансиз. Рингдаги илк ғалабангизни эслай оласизми?

— Ҳа, албатта. Бу туман биринчилигида юз берган. Гарчи, у бронза медали бўлса-да, мен учун қадрли. Мусобақадаги иштирокимни кузатган мутахассислар мени кейинчалик вилоят терма жамоасига таклиф этишди. Орадан кўп ўтмай, таҳсилни Андижон Олимпия захиралари спорт коллежи тасарруфидаги мактаб-интернатнинг бокс бўлимида давом эттирдим. Бу масканда ўрганганларим эвазига 2009 йилда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медал билан тақдирландим.

(Давоми 4-саҳифада).

Ishonch
2013-yil 15-iyun № 72 (3265)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, илғор техника ва технологиялар билан қуроллантириш, энг замонавий корхоналарни барпо этиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини бугунги талаблар асосида ривожлантириш мақсадида амалга оширилган том маънодаги улкан ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил қилиш;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини ифода этиш;

юртимизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улуғ мақсадларни ўз олдимизга қўйиб, бу марраларнинг нақадар буюк ва масъулиятли эканини ўзимизга чуқур тасаввур қилган ҳолда, ана шундай юксак уфқлар сари дадил бораётганимизнинг энг асосий омил ва мезонларини кенг ёритиш. Бунда, аввало, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, бетакрор миллий қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга, манаман деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини акс эттириш. Қандай оғир бўлмасин, ана шу буюк мақсадни амалга ошириш учун барча куч-қудратимиз ва имкониятларимизни сафарбар этганимиз, шу йўлда аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин бўлган ишларимизнинг амалий натижаларини кўрсатиш. Бугунги кунда бу ютуқлар ҳаётимизда, мамлакатимиз тараққиётида, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган барқарор ўсиш суръатларида яққол намоён бўлаётгани, камол топаётган фарзандларимиз ҳаётимизнинг асосий, ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётганини таъсирчан мисолларда ифода этиш.

Юқорида зикр этилган фикрларни бундан ўн олти йил аввал қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ва бошқа муҳим ижтимоий дастурлар таҳлили орқали мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш;

давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда, ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб улғайишига берилаётган юксак эътиборнинг яққол тасдиғи сифатида мамлакатимизда давлат бюджети харажатлар қисмининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига йўналтирилаётгани дунё тажрибасида камдан-кам учрашини, Ўзбекистон айни шу соҳаларда жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб бораётгани нуфузли халқаро эксперт ва таҳлил марказлари томонидан эътироф этилаётганига алоҳида аҳамият қаратиш;

истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этадиган хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, аёл зотини эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган қарор ва дастурларнинг амалий натижаларини кўрсатиб бериш. Шулар қаторида оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда мунносиб ўрин олиши учун амалга оширилган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамияти, бу борадаги сиёсатнинг бугунги кунда изчил давом эттирилаётганини тарғибот-ташвиқот ишларининг бош мавзуси сифатида белгилаш;

мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича махсус давлат дастурлари жорий этилаётгани, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида шаҳар шароитидан кам бўлмаган замонавий уй-жой массивлари комплекс барпо этилаётганини халқимиз ҳаётини янада фаровон қилишга қаратилган ишларнинг амалий намоёни сифатида қабул қилиш;

эришган барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, мухтасар айтганда, мустақил тараққиёт йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлсак, уларнинг барчасининг негизида авваламбор одамларимизнинг ўсиб бораётган сиёсий, ҳуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги мужассам эканини акс эттириш;

ҳозирги кунда бизнинг қандай шиддатли ва нотинч замонда яшаётганимизни инобатга олган ҳолда, тинч ва осойишта ҳаёт учун курашиш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиб, доимо огоҳ, сезгир ва маънавий уйғоқ бўлиб яшаш, энг катта бойлигимиз бўлмиш юртимиздаги миллатлар ва фуқароларо аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишларнинг маъно-мазмунини очиб бериш;

айни мана шундай ўта мураккаб ва таҳликали бир шароитда дунёнинг турли минтақалари, яқин ва узоқ ҳудудларида, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ўчоқлари кучайиб, бир сўз билан айтганда, хавф-хатар тобора ўсиб бораётган бир вазиятда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатини, унинг мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган стратегик устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиши табиийдир. Шу мақсадда 2012 йил сентябр ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган асосий принциплар, яъни:

Ўзбекистоннинг турли ҳарбий сиёсий блоклардан узоқ бўлиши ҳақида;

ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида;

очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақида аниқ-равшан баён этганини кенг оммага етказиш;

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келаётганини, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш ва тобланиш мактабига айлангани, халқ ва армия — бир тану бир жон эканини ҳаётий мисолларда кенг тарғиб этиш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида жонли мулоқот ва суҳбатлар, учрашувлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан биргаликда:

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш, республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш;

байрам муносабати билан халқимизга хос бўлган урф-одат ва анъаналарга муносиб равишда шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар, кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган халқчил ва таъсирчан руҳда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини таранним этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси билан биргаликда ёш ижрочилар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ниҳол» мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 12 июн.

МУШТАРАК ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР — МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК АСОСИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг бугунги динамикасини сақлаб қолиш ва уни янада кўпайтириш мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилади. Музокараларда таъкидланганидек, мувозанатлашган тизим асосида ҳамда икки мамлакат миллий ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг ўзаро эҳтиёж мавжуд бўлган товар гуруҳларини синчковлик билан аниқлаш орқали ўзаро савдо номенклатурасини кенгайтириш мумкин. Мисол учун, Ўзбекистондан Қозоғистонга енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, қишлоқ хўжалик техникаси, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, электротехника ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, ойна, полиэтилен ва Қозоғистон бозорида талаб бўлган бошқа товарларни экспорт қилиш бўйича ишга солинмаган катта захиралар мавжуд. Ўз навбатида, Ўзбекистон Қозоғистондан мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, миллий иқтисодиётимиз эҳтиёжлари учун зарур бўлган, жумладан, металлпрокат, темир қотишмаси, ёғоч ва тахта каби маҳсулотларни импорт қилиши мумкин.

Томонлар икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолиятини янада такомиллаштиришдан манфаатдор. Бу узоқ муддатли кооперация тамойиллари асосида ўзаро манфаатли сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, транспорт, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, «Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой» газ қувури орқали табиий газни транспортировка қилиш бўйича ҳамкорликни фаоллаштириш имконини беради.

Президентлар маънавий яқинлик ва кўп асрлик анъанавий муносабатларга асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини ҳам муҳокама этдилар.

Икки мамлакат илмий ва таълим муассасалари ўртасида ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, ўқув-методик материаллар алмашиш борасида тўғридан-тўғри алоқалар йўлга қўйилган. Хусусан, 2006 йилда Хоразм Маъмун академияси билан Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг Р.Сулаймонов номидаги Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган.

Мамлакатларимиз маданият ва санъат соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мисол учун, ўзбекистонлик халқ усталари Олмаота шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё ҳунармандлари кўргазма-ярмаркасида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Остона, Олмаота ва бошқа шаҳарлардаги бадиий галереялар ва музейларда машҳур ўзбек рассомларининг кўргазмалари намойиш қилинмоқда. Ўзбекистон мусиқа ва театр жамоаларининг Қозоғистонга гастроллари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон кинематографчилари ўз филмлари билан Қозоғистонда ўтказилаётган кинофестивалларда иштирок этмоқда.

Қозоғистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ҳамда мамлакатимизда ташкил қилинадиган бошқа кўплаб йирик маданий тадбирларнинг доимий ва фаол қатнашчиларидир.

Ўзбекистонда юздан ортиқ қозоқ миллий-фолклор ва эстрада ансамбллари фаолият кўрсатаётир. Жумладан, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида «Дўмбира» қозоқ ансамбли, Бўстонлиқ туманида «Дорин» ансамбли мавжуд. Тошкент вилоятида фолклор-ашула, Хоразм вилоятида ашула ва рақс ансамбллари ташкил этилган.

Музокараларда маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Томонлар мусиқали ва драма театрлари, бадиий ва ижодий жамоалар ҳамда яккахон ижрочиларнинг ўзаро гастролларини, спорт ва жисмоний тарбия соҳасида тажриба ва мутахассислар алмашишни, миллий спорт турларини ривожлантириш, икки давлат ташкил қиладиган халқаро турнирларда спортчиларнинг иштирок этишини таъминлаш ишларини, маданият, фан ва санъат соҳасидаги таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари алмашинувини фаол давом эттиришга келишиб олдилар.

Музокаралар якунлари бўйича Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат ички ишлар вазирликлари ва божхона хизматлари ҳамкорлигига доир ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида маданият соҳасида 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномада сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология, маданий-гуманитар, ҳарбий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий принциплари ва устувор йўналишлари мустаҳкамланган. Шунингдек, Марказий Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш тизимини ривожлантириш борасидаги ўзаро келишилган ягона позиция тасдиқланган.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мазкур ташриф ўзбек ва қозоқ халқларининг кўп асрлик тарихий, маданий ва маънавий яқинлигини, мамлакатларимизнинг юксак даражадаги ўзаро ишончи ва ҳурмат-эҳтиромини яна бир бор тасдиқлаганини ҳамда икки давлат ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиққанини таъкидладилар.

Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасининг янги биноси ва қозоқ адабиётининг буюк намояндаси Абай Қўнонбоев ҳайкалининг очилиши Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистонга ташрифининг ёрқин воқеаси бўлди.

Маросимда икки давлат раҳбарлари бир неча йил аввал Тошкент шаҳрининг тарихий марказида, қозоқ адабиёти асосчиси номи билан аталувчи кўчада Қозоғистон элчихонасининг янги биносини барпо этиш бўйича келишувга эришилганини таъкидладилар. Президентларнинг ушбу ғояси ҳаётда ўз амалий ифодасини топгани мазкур масканга янги қиёфа бахш этиб, пойтахтимиз ҳуснига-ҳусн қўшди. Тошкент шаҳри яна бир ноёб меъморий иншоот билан бойиди.

Абай Қўнонбоев ҳайкали ўзбек ва қозоқ халқлари муштарак қадриятларининг яна бир ёрқин тимсолига айланди. Ўзбекистонда ўз даврида ҳаётда инсоннинг муқаддас бурчларидан бири — бу чин дўст орттиришдир, деб ёзган мутафаккирнинг буюк мероси кириб бормаган хонадонни топиш мушкул.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ҳамкорлигининг ривожланиш суръатларини кузатар эканмиз, мамлакатларимиз ўртасида қарор топган самимий дўстлик муносабатлари мисолида буюк Абайнинг мазкур даъвати ижобатининг ифодасини яққол кўришимиз мумкин.

Ҳамиша эзгу ва олижаноб мақсадлар сари интилиб яшайдиган халқларни Яратганнинг ўзи қўллаб, ўрзу ва умидлари ижобат бўлишида мददкор бўлади. Бунга азим пойтахтимизда ўзбек ва қозоқ халқлари азалий дўстлигининг гўзал тимсоли сифатида қад ростлаган Қозоғистон элчихонасининг янги биноси ва Абай ҳайкали очилишига бағишланган маросим чоғида қут-барака ва фаровонлик рамзи — ёмғир ёққани ҳам бир ишорадир.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Маърифат маркази»га ташриф буюрдилар. Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган ушбу замонавий муҳташам бино йирик халқаро анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш борасида жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу муаззам бино атрофидаги ландшафт дизайни унга алоҳида кўрк бахш этиб турибди. Қозоғистон Президенти мажмуанинг миллий меъморлик анъаналари ва замонавий архитектура усулларини ўзида мужассам этган меъморий ечими ва дизайнига юксак баҳо берди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ана шундай кўтаринки руҳда ниҳоясига етди. Ушбу ташриф самимий дўстлик ва узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли муносабатлар ривожидаги муҳим тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги давлатлараро мулоқот ҳар доим фаол бўлган ва мунтазамлик касб этган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Анвар БОБОЕВ,
Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА мухбирлари.

Суратда: Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасининг янги биноси ва қозоқ адабиётининг буюк намояндаси Абай Қўнонбоев ҳайкали.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Таътил мароқли ўтмоқда

Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўъба корхонасига қарашли «Ниҳол» оромгоҳида ҳар йили бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, болажонлар учун янги-янги имкониятлар яратилади. Хусусан, жорий йилда шинам ёзги ошхона иш бошлади ҳамда хўжалик омбори таъмирдан чиқарилди.

— Ватан остонадан бошланади, — дейди оромгоҳ бошлиғи Абдураззоқ Исоқов. — Шу боис, болажонларни оилани севишга, маҳалла, мактаб, қолаверса, оромгоҳимизнинг ҳам ободлигига ҳисса қўшишга ўргатяпмиз. Ҳар бир дақиқа ўғил-қизларимиз учун тарбиявий аҳамият касб этишини мақсад қилганмиз.

«Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Оромгоҳ жиҳозларини асраб-авайлайлик», «Китоб, менинг дўстимсан», «Соғлигимиз ўз қўлимизда» мавзуларида ўтказилган суҳбатлар болажонларга ҳам манзур бўляпти. «Қувноқ стартлар», шахмат-шашка, футбол мусобақалари уларнинг жисмоний чиниқишини таъминламоқда.

— Оромгоҳга иккинчи бор келишим, — дейди Касби тумани Майманоқ қишлоғида яшовчи Абдукарим Усмонов. — Тадбирлар ва спорт мусобақалари кўплигидан вақтнинг қандай ўтганини билмай қоляпмиз. Айни пайтда «Шўртан қалдирғочи» оромгоҳи жамоаси билан футбол учрашувига тайёргарлик кўряпмиз.

— Бу ерда тўгараклар кўп экан, — дейди мубораклик Нигора Чориева. — Динора опа Маҳмудова инглиз тили сабоқларини бериб, ҳатто саҳнавий кўринишлар ҳам тайёрлаяпти. Бундан ташқари, тикиш-бичиш, ғулчилик, компютер ўрганиш, шахмат-шашка, футбол тўгараклари доим гавжум. Шунингдек, кутубхонада билимларимизни чархлаяпмиз.

Яккабоғ туманидаги «Ниҳол» оромгоҳида эртамиз эгаларининг таътили ана шу тарзда мароқли ўтмоқда.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Камалак» дан таралган нур

Мавсумни кўнгилли ташкил этиш мақсадида Марғилон шаҳридаги 16-умумтаълим мактабида «Камалак» номли 3 босқичли кундузги ёзги соғломлаштириш маркази ташкил этилди. Бу ерда ёз бўйи 300 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқаради.

Мактаб ҳудуди намунали тарзда ободонлаштирилган. Турли мевали, манзарали дарахтлар соясидаги оромгоҳда тозаликка, тартибга алоҳида эътибор қаратилган. 7 та синф хонаси дам олувчилар учун ётоқхоналарга айлантирилган. Ҳозирда 100 нафар ўқувчи турли машғулотларда фаол қатнашмоқда.

Ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганиши учун алоҳида жиҳозланган хона ажратилган. «Табиат бурчаги» ҳамиша гавжум. Куни кеча «Гуллар ва қушлар» байрам тадбири ўтказилди.

— Ёзги таътилда ўқувчиларимизнинг саломатлигини доимий назоратда тутишга эътибор қаратяпмиз, — дейди мактаб раҳбари Шоҳистахон Фозилова. — 9 та компютер, 2 та спорт зали, спорт майдони, теннис хонаси ўқувчилар ихтиёрида.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

ИПОТЕКАБАНК:

Молиявий мададкор

Сурхондарё вилояти мамлакатимиз равнақида муҳим ўрин тутадиган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Ўтган йилнинг якунига кўра ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши вилоят бўйича тўққиз фоизни ташкил этгани ёки республика кўрсаткичидан ошиб кетгани ҳам бунинг исботидир.

Вилоят иқтисодиётининг асосини агросаноат мажмуаси ҳамда ўттизга яқин йирик саноат корхоналари ташкил этади. Ушбу тармоқда енгил ҳамда озиқ-овқат саноати алоҳида ўринга эгадир. Маълумки, иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида ривожлантириш, рақобатни кучайтириш зарурати шахсий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ишлаб чиқаришга боғлиқ нодавлат секторни ҳар томонлама рағбатлантиришни тақозо этади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 73,8 фоизни ташкил этди. Ҳаёт иқтисодиётнинг ушбу тармоғи тараққиёти тўғридан-тўғри ҳудудий молия тизимининг барқарорлигига ҳамда кучли кредит сиёсатига боғлиқ эканини кўрсатиб берди.

Ипотекабанкнинг Сурхондарё филиали ушбу йўналишда фаол иш олиб бормоқда.

2013 йилнинг ўтган беш ойи давомида ушбу мақсадлар учун банк 7 миллиард 210 миллион сўм ажратди. Кичик бизнесни ривожлантириш учун эса 1 миллиард 135 миллион сўм кредит маблағи йўналтирилди.

Ипотекбанкнинг доимий ва йил сайин юксалаётган мижозларидан бири сифатида «Илесхонжаҳон» МЧЖни тилга олиш мумкин. Ушбу корхона 16 йилдан буён қурилиш ашёлари бозорида фаолият кўрсатиб келади.

— Бизнесда, айниқса, уни йўлга қўйишда шунақа вазиятлар бўладики, кўпинча катта миқдордаги молиявий мададга муҳтож бўлиб қоласиз, — дейди корхона директори Илёс Лутфуллаев, — Ипотекабанк эса ҳар доим ёрдам қўлини чўзадиган муассасалардан бири. Аммо уни фақат тадбиркорга тиқилинч пайтда ёрдам берадиган муассаса сифатида тилга олсак, хизматини камситган бўламиз. Менинг ўзим молиявий ёрдам сўраб, ушбу банкка кўп бор мурожаат қилганман. 50-100 миллион сўмлаб кредит олганман. Охирги марта кичик бизнесни ривожлантириш учун ҳам катта қарз кўтардим. Банкнинг кўмаги билан йўлакларга ётқизиладиган тахтачалар ишлаб чиқарадиган ускуналар ҳамда қуруқ қурилиш қоришмалари тайёрлайдиган технология сотиб олдик. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди ва корхонада янги иш жойлари яратилди. Ҳозирги кунда корхонамизда 20 нафар ёш ишчи меҳнат қилмоқда.

Банкнинг эътиборидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашдек муҳим вазифа ҳам четда қолаётгани йўқ. Жорий йилнинг беш ойи давомида Ипотекабанкнинг Сурхондарё филиалидан хотин-қизлар ўз бизнесини очиш ва кенгайтириш учун 366 миллион сўм кредит олдилар.

Шунингдек, шу даврда оилавий бизнесни ривожлантириш учун йўналтирилган 1178 миллион сўмни ҳам яхши кўрсаткич десак, хато бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга оид қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги Қарори ижросига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу ҳужжат республикамиз аҳолисини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш билан биргаликда, айниқса, қишлоқ жойларида озиқ- овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам, юксак қувватли замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналарни ташкил этишни ҳам назарда тутади.

Ушбу вазифанинг ғоятда муҳимлигини ҳисобга олган Ипотекабанкнинг вилоят филиали томонидан 5 ой давомида мазкур қарорга асосан 770 миллион сўм кредит ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 183 млн. сўм кўпдир.

Банкнинг асосий фаолият йўналишларидан яна бири, бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлашдир.

Тайёр ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бири саналади. Чунки бунда асосий мақсад маҳаллий корхоналар ишлаб чиқараётган юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар турини кенгайтириш ва улар билан ички истеъмол бозорини иложи борича кўпроқ тўлдиришга қаратилгандир. Банкнинг филиали ушбу мақсадлар учун йил бошидан бери 1 565 миллион сўм кредит ажратдики, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар кўпдир.

Ҳозирги пайтда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, бизнес юритишни истаган ёшларни молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат аҳамиятига молик масала бўлиб турибди. Ўтган йили вилоятда 37 мингдан ортиқ коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилди. Мазкур вазифанинг муҳимлигини ҳисобга олган Ипотекбанк ўрта махсус маълумот тўғрисидаги дипломни бу йил қўлига олган ёшлар учун бериладиган кредитлар миқдорини 3,4 бараварга кўпайтирди. Хусусан, филиал томонидан беш ой мобайнида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга жазм қилган битирувчиларга 75 миллион сўм кредит берилди.

Маълумки, мамлакатимизда қулай инвестиция иқлими яратиш йўлида фаол иш олиб борилмоқда. Бунинг заминида иккита асосий омил — сиёсий барқарорлик ва оқилона, ҳар томонлама ўйланган макроиқтисодий сиёсат ётади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу кенг кўламли ишлар муҳим стратегик вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Республикамизда Инвестиция дастури қабул қилинган бўлиб, унда ёнилғи-энергетика, машинасозлик, тоғ-кон, кимё ва енгил саноат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа соҳалар устуворлик касб этади.

Шу муносабат билан Ипотекабанкнинг вилоят филиали ҳудуд бўйича инвестиция кредитлари миқдорини муттасил ошириб бораяпти. Жорий йилнинг беш ойида уларнинг миқдори 4 миллиард 721 миллион сўмни ташкил этди. Бу Ипотека банки филиаллари орасида энг юқори кўрсаткичдир.

Банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, турар-жой қурилиши қўлами кенгайтириш, шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланадиган ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилаётир.

Ипотекабанкнинг Сурхондарё филиали ушбу вазифаларнинг долзарблигини ҳамда уларни амалга оширишда молиявий институтларнинг ўрни беқиёслигини инобатга олган ҳолда бундан буён ҳам ўз фаолиятини кучайтиради ва молия-кредит бозорида ўзининг турли хизматларини тақдим этаверади.

Искандар ТОШПЎЛАТОВ

«Auto Trade Cooperation» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 23 июл куни соат 11:00да аукцион комиссияси иштирокида бўлиб ўтадиган бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдосига Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши балансидаги 2003 йилда и/ч, д/р 40/986 LAA, «Nexia» р-ли, бошланғич баҳоси 8 200 000 сўм, 1996 йилда и/ч, д/р 40/863 DAA, «GM UZ Damas» р-ли, бошланғич баҳоси 10 600 000 сум, 2008 йилда и/ч, д/р 40 909 BAA, «Лада 11183-114-30» р-ли, бошланғич баҳоси 13 800 000 сўм, 1997 йилда и/ч д/р 40 865 DAA, «Tico» р-ли, бошланғич баҳоси 6 700 000 сўм, 1996 йилда и/ч д/р 15 AC 550(янги д/р 40/379 SAA, «Tico» р-ли, бошланғич баҳоси 4 350 000 сўм, 1998 йилда и/ч, д/р 15 AB 070, «Tico» р-ли, бошланғич баҳоси 4 650 000 сўм бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари ва 1988 йилда и/ч, д/р 15 B 927, бошланғич баҳоси 1 300 000 бўлган «ТМЗ540302» р-ли мотороллер қўйилади.

Юқоридаги санада сотилмай қолган автотранспорт воситалари 2013 йил 30 июл ҳамда 6, 13 август кунлардаги «Аукцион» савдоларига мунтазам равишда чиқарилиб борилади. Аукцион савдоси ғолиби томонидан автотранспорт воситасининг сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотиб олиш баҳосининг 2,5 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. **Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 7-уйда қабул қилинади.** Талабгорлар аризаларни қабул қилиш «Аукцион» савдолари бошланишидан 1 кун олдин, яъни 2013 йил 22 июл соат 11:00да тўхтатилади. **Савдолар Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда ўтказилади.** Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни» имзолагандан сўнг мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Auto Trade Cooperation» МЧЖ Фарғона вилоят филиалининг, ЧЭКИ ОАТ «Савдогар банк» Фарғона вилояти бўлими, МФО: 00500, СТИР:302477464, 20208000605015685004 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак. Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 15-уй, 2-қават. Электрон манзил: avto_tc@mail.ru, f.atc@mail.ru Тел: (+99895) 401-09-21. Гувоҳнома № 005148.

Диққат, тузатиш!

«Ishonch» газетасининг 2013 йил 8 июндаги 69-сонида «Auto Trade Cooperation» МЧЖ Бухоро вилоят филиали томонидан «Ўзбектелеком»АК Бухоро филиалига қарашли ва «Қишлоққўжаликкимё» ХАЖ Пешку туман филиалига қарашли бўлган автотранспорт воситалари бўйича берилган эълондаги савдо санаси 2013 йил 9, 16, 23, 30 июл кунлари ўтказилиши ўрнига 2013 йил 18, 25 июл ҳамда 1, 8 август кунлари ўтказилади деб ўқилсин.

Қўшимча маълумот учун манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Қарши дарвозаси кўчаси, 1-уй. E.mail: avto_tc@mail.ru. Тел: 542-19-91 Гувоҳнома № 005148.

Хизматлар лицензияланган.

Ҳурматли тадбиркорлар ва азиз ҳамюртлар!

«Universal Realtor» МЧЖ ОАТБ «Агробанк» Қашқадарё вилояти, Китоб филиали билан ҳамкорликда Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Хайраобод қишлоғида жойлашган, «Маъмурий бино ва бино иншоотлар» бўйича 2013 йил 26 июл куни соат 12:00да аукцион комиссияси иштирокида бўлиб ўтадиган, объектнинг бошланғич баҳоси қадам ба қадам ошиши тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига қўйилади. Объектнинг бошланғич баҳоси 60 574 000 (олтмиш миллион беш юз етмиш тўрт минг) сўм.

Савдолар Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, «Буюк ипак йўли» кўчаси, 118-«А» уйда жойлашган ОАТБ «Агробанк» Қашқадарё вилояти, Китоб филиалининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

«Аукцион» савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар «Савдо ташкилотчиси» - «Universal Realtor» МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Аукцион савдосида қатнашиш учун белгиланган шаклдаги талабнома; Закалат тўғрисидаги келишув; «Савдо ташкилотчиси»нинг ХОАТБ «Infinbank», МФО 01041, СТИР 302269399, 20208000804975228001 ҳисоб рақамига объект бошланғич баҳосининг 15 % (фоиз) миқдоридаги гаров пуллари тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси; Жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, агарда унинг вакили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома; Ҳуқуқий шахслар учун — шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси. Агарда, аукцион ваколатли вакил қатнашганда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади;

Аукцион савдоси ғолиби 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномасини имзолаши лозим. Объект учун аризаларни қабул қилиш «Аукцион» савдолари бошланишидан 1 кун олдин яъни 25 июл соат 12:00да тўхтатилади. Юқоридаги санада сотилмай қолган объект 2013 йил 2, 9, 16 август кунлари юқорида кўрсатиб ўтилган соатлардаги «Аукцион» савдоларига мунтазам равишда чиқарилиб борилади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Тел/факс: (8371) 236-26-65. **Электрон манзил:** universal@realtor.uz. **Лицензия № RR-0127.**

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Фарғона шаҳар, 4-сонли ҳарбий савдо ДУКнинг 04.06.2013 йилдаги 128-сонли хатига асосан, Фарғона шаҳар, Оқ йўл кўчаси, 2-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «ГАЗ-24-01» русумли, давлат рақами15 SR 485, 1972 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 837 390 сўм.

2.«ГАЗ-53» русумли, давлат рақами 15SR 487, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 3 205 440 сўм.

3. «2-ПП-20» русумли контейнер прицеп, давлат рақами 33-13 ФВ, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 853 992 сўм.

II. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Қўқон нефт базаси унитар корхонасининг 13.06.2013 йилдаги 03-01-546-сонли хатига асосан, Қўқон шаҳар, 2-Қудуқлик кўчаси, 15-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1.«ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 15 AG 537, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, (носоз ҳолда) бошланғич баҳоси — 380 871 сўм.

2. «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 40 225 MAA, 1993 йилда ишлаб чиқарилган,(носоз ҳолда) бошланғич баҳоси — 196 207 сўм.

Савдолар 2013 йил 17 июл куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 15 июл куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, ҳ/р: 20208000704943063001.

Манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: (8-373) 224-68-70. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 1177.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдолари хабарномаси

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2013 йил 16 июл куни соат 11:00да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 27.11.2012 йилдаги 10-1218/16125-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «DIA» хусусий фирмаси кредиторларининг 10.06.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 11.06.2013 йилдаги 56-сонли буюртмасига асосан фирма ҳисобидаги кўчмас мулк тоифасига кирмайдиган қуйидаги мулклар ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида қўйилмоқда.

ЛОТ №	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	2	3	4	5
1	Трансформатор КТНП 63/10-042	дона	1	2 810 361
2	Верт-сверильный	дона	1	204 290
3	Эл. двигатель (не рабочий)	дона	1	102 375
4	Ручной гиб (не рабочий)	дона	1	95 550
5	Отрезной станок	дона	1	191 399
6	Отрезной станок	дона	1	191 399
7	Отрезной станок	дона	1	191 399
8	Отрезной станок	дона	1	191 399
9	Отрезной станок	дона	1	478 498
10	Отрезной станок	дона	1	478 498
11	Туалет (метал)	дона	1	250 250
12	Шлифовальный станок мини	дона	1	127 400
13	УАЗ М49 93	дона	1	907 500
14	а/м ГАЗ-31029	дона	1	2 002 000
15	Плита бетон	дона	8	2 118 480
16	Вагончик	дона	1	1 856 362
17	Шкаф деревянный	дона	1	127 400
18	Стол	дона	1	178 360
19	Стол	дона	1	63 700
20	Сейф	дона	1	222 950
21	Метал шкаф (эл.щит)	дона	7	955 500
22	Металкозлы	дона	20	637 000
23	Сварочный аппарат БД-306	дона	1	285 517
24	Сварочный аппарат	дона	1	285 517
25	Сварочный аппарат	дона	1	285 517
26	Сварочный аппарат	дона	1	499 655

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 15 июл кунига қадар соат 10:00дан 16:00га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

II. 2013 йил 2 июл куни соат 11:00да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 10.10.2012 йилдаги 10-1218/13607-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «UMUM QURILISH SERVIS» хусусий ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси кредиторларининг 06.06.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 11.06.2013 йилдаги 240-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги кўчмас мулк тоифасига кирмайдиган қуйидаги мулклар ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

ЛОТ №	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	2	3	4	5
1	Лазерный дальномер CANTION пр-во Германия	дона	1	1 400 000
2	Лазерный дальномер CANTION пр-во Германия	дона	1	1 400 000
3	Нивелир	дона	1	192 968
4	Лазерный дальномер CANTION пр-во Германия	дона	1	1 400 000
5	Газогенератор КПГ-25	дона	1	1 800 000
6	Сварочный аппарат	дона	1	360 000
7	Свар оборуд ВДМ 6301	дона	1	9 430 000
8	Насос арт скважины	дона	1	750 000
9	Шкаф распред ШР-11	дона	1	795 600
10	Электрооборудование ИЭ-57071	дона	1	163 085
11	Пресс гидравлический ПГ-100	дона	1	1 480 884
12	Пресс ПСУ-50	дона	1	6 170 777
13	Пресс ПСУ-10	дона	1	4 885 198
14	Вибрастанок	дона	1	1 090 905
15	Разрывной станок	дона	1	587 693
16	Кран мостовой	дона	1	3 361 155
17	Заклепочник поворотный	дона	1	56 000
18	Емкость металл	дона	1	750 000
19	Банка под цемент	дона	1	13 110 522
20	Банка под цемент	дона	1	13 110 522
21	Душ металлический	дона	1	1 050 000
22	Будка металл. (для строителей)	дона	1	840 000
23	Копир. CANON FC 206 пр-во Таиланд	дона	1	120 000
24	Пылесос	дона	1	310 800
25	Автомагнитола	дона	1	25 000
26	Телефон кнопочный	дона	1	22 500
27	Телефон без диска	дона	1	6 000
28	Телефон (PANACONIK) пр-во Малазия	дона	1	22 500
29	Телефон (PANACONIK) пр-во Малазия	дона	1	22 500
30	Кресло VERONA	дона	1	220 000
31	Сварочные аппарат 350 квт	дона	1	450 000
32	Сварочные аппарат 220 квт	дона	1	450 000
33	Отбойный молоток	дона	1	472 273
34	Бытовой вагон дом	дона	1	2 412 120
35	Бытовой вагон дом	дона	1	1 809 090
36	Кран башенный КБ 308	дона	1	21 000 000
37	Шпалолежники	дона	16	8 227 703
38	Вибратор глубинный	дона	2	998 784
39	Вибронакопчник	дона	2	154 269
40	Трансформатор 1.5 ква	дона	2	300 000
41	Газонокосилка FL.33.TE	дона	1	660 000
42	Стулья «Кристина»	дона	20	999 600
43	Стол ZH 03	дона	1	191 400
44	Стол ZN 10	дона	1	286 800
45	Шкаф ZNG 01	дона	1	210 000
46	Стол приставка	дона	1	84 000
47	Сейф металлич	дона	1	292 000
48	Сейф металлич	дона	1	196 000
49	Сейф металлич	дона	1	196 000
50	Вешалка	дона	1	51 000
51	Копиров. Аппарат CANON NP 1215	дона	1	294 000
52	Компьютер	комп.	1	440 000
53	Компьютер Pentium 4	комп.	1	440 000
54	Компьютер Pentium 4	комп.	3	1 320 000
55	Монитор FSC LCD	дона	1	550 000
56	Мышь OP 620D	дона	1	12 000
57	Принтер Canon LBP 1120	дона	1	258 333
58	Компьютер	комп.	1	550 000
59	CANON 3010 LBP	дона	1	243 000
60	Принтер HP1215	дона	1	250 000
61	EPSON 6200L	дона	1	221 780
62	Принтер Canon 3010 B	дона	1	332 670
63	Тренажер	дона	1	3 750 000
64	Велосипед	дона	1	500 000
65	Теннисный стол	дона	1	775 828
66	Midia MSMI-12 HR кондицин.	дона	1	422 117
67	Счетчик газа АГАТ G25	дона	1	1 330 000
68	Аквариум	дона	1	850 000
69	Аквариум	дона	1	600 000
70	Аквариум	дона	1	1 100 000
71	Портьеры (3,3x3,3)	дона	1	800 000
72	Портьеры (1,8x3,3)	дона	1	4 000 000
73	Портьеры (2,2x3,3)	дона	1	475 000
74	Портьеры (2,4x3,3)	дона	1	425 000
75	Портьеры (4,9x3,3)	дона	2	1 900 000
76	Кабель 4-х жильный алюмин. 4x35 мм	метр	100	850 000
77	Кабель медный 4-х жильный 4x40 мм	метр	6	150 000
78	Кабель 4-х жильный 4x4мм	метр	10	95 000
79	Электроавтоматы пр-во СССР	дона	2	90 000
80	Электроавтоматы пр-во СССР	дона	4	180 000
81	Электроавтоматы пр-во СССР	дона	1	45 000
82	Электроавтоматы пр-во СССР	дона	1	45 000
83	Магнитопускатель	дона	6	330 000
84	Магнитопускатель	дона	1	100 000
85	Предохранитель	дона	4	40 000
86	Предохранитель	дона	13	234 000
87	Рубильник	дона	1	70 000
88	Винтеля	дона	2	24 000
89	Двигатель с редуктором	дона	2	799 800
90	Вибратор электрический	дона	1	61 708
91	Электродвигатель	дона	1	291 000
92	Электродвигетель	дона	5	1 098 000
93	Аккумулятор	дона	1	50 000
94	Стартер для МАЗа	дона	1	225 895
95	Гидроцелиндр подъемника ЗИЛа	дона	1	947 655
96	Стартеры для ЗИЛа	дона	2	309 273
97	Компрессор для ЗИЛа	дона	1	45 735
98	Корбюратор для ЗИЛа	дона	2	188 282
99	Гидроусилитель для ЗИЛа	дона	2	202 019
100	Тормозные цилиндры (камера)	дона	5	33 058
101	Шатуны	дона	3	103 140
102	Насос НШ-32	дона	1	40 992
103	Полуось для ЗИЛа	дона	2	290 320
104	Аммортизатор передний ЗИЛа	дона	1	74 931
105	Маслянный фильтр для ЗИЛа	дона	1	4 000
106	Ступица передние для ЗИЛа	дона	2	33 205
107	Ступица задние для ЗИЛа	дона	1	16 602
108	Корданный вал для ЗИЛа	дона	2	313 123
109	Маслянный радиатор для ЗИЛа	дона	1	73 462
110	Гильзы поршенные для ЗИЛа	дона	8	1 669 048
111	Генератор для ЗИЛа	дона	1	120 183
112	Тормозные трещетки для ЗИЛа	дона	7	308 539
113	Головка от блока для ЗИЛа	дона	1	587 693
114	метал.ящик для строн, материалов	дона	3	192 000
115	Прожектор	дона	1	643 226
116	Бочка МеТаал.Sttetter	дона	1	1 316 681
117	Форма метал, для цокольных блоков	дона	1	900 000
118	Эл.щит силовой	дона	1	468 000
119	Будка металл. (для строителей)	дона	1	450 000
120	Транспортерная лента	руд	2	2 507 050
121	Редуктор от БРУ	дона	1	317 297
122	Навес под виноградник	дона	1	2 700 000
123	Металанческая решетка дверь	дона	1	300 000
124	Будка металл.	дона	1	360 000
125	Шлифовальная машина ИЭ 2113	дона	1	430 407
126	Насос СО 4-М Ту 22 завод № 312	дона	1	22 034
127	водяной насос	дона	1	25 000
128	Теплогенератор ТГ-1,5 ПСТС	дона	1	697 759
129	Компрессор ПР-10/8М2	дона	1	1 028 276
130	Пневмобетонолом	дона	1	94 455
131	Теплогенератор дизельный	дона	1	1 322 069
132	Известковая мельница	дона	1	77 364
133	1 Бетономешалка 0,5 м3	дона	1	60 962
134	Бетономешалка 0,25 м3	дона	1	35 990
135	Шкаф металический	дона	1	40 000
136	Шкаф металл	дона	1	60 000
137	Бадья металл.	дона	1	266 507
138	Будка (самострой)	дона	1	150 000
139	Котки колеса для леса (самодельные)	дона	1	20 000
140	Насос	дона	1	25 000
141	Сварочные аппарат	дона	2	80 000
142	Сверильный станок	дона	1	376 790
143	Токарный станок	дона	1	600 000
144	Перфоратор BOSCH	дона	1	120 000
145	Перфоратор ХАМЕР	дона	1	120 000
146	Дрель	дона	1	25 500
147	Болгарка	дона	1	120 000
148	Кондиционер CHANC HONG 2шт	дона	1	750 000
149	Кондиционер ROISON	дона	1	840 000
150	Авто радио JH-4X1000W	дона	1	15 000
151	Радиотелефон LG -9140	дона	1	45 000
152	Радиотелефон (PANASONIC) модель KX-T9511BX пр-во Япония	дона	1	45 000

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 1 июл кунига қадар соат 10:00дан 16:00га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ, ҳ/р: 20208000005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082, ОКОНХ: 84500.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қават)

Тел: +99893 529-30-13, +99893 553-51-41. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

Чилонзор туман 3-мавзе, 44-уй, 11-хонадон Маликов Турсунбой Ўсаровичга тегишли 22.04.1997 йилда давлат рўйхатидан ўтган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2013-yil 15-iyun № 72 (3265)

Навоий вилоятидаги «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Шабода» ёзги оромгоҳида болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган. Жорий йилда қайта реконструкция қилинган ушбу масканда турли йўналишдаги тўгараклар, кутубхона, кўнгилочар атракционлар дам олувчилар хизматида.

Суратда: «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Шабода» ёзги оромгоҳида.

Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат

Жасур ЛАТИПОВ:

«Онамга Олимпиада медалини совға қилмоқчиман»

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Сир эмас, мухлислар сиздан Лондон Олимпиадасида ҳам медал кутишганди. Аммо чорак финалда баҳсларни якунлашга мажбур бўлдингиз...

— Лондон Олимпиадаси мен учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтаб берди. Чорак финалда ғалаба қозонсам, камида бронза медали нақд эди. Бироқ кутилмаганда муҳим учрашув олдидан тишим қаттиқ оғриб қолди. Биласиз, бу каби муҳим мусобақалар чоғида ҳар бир иштирокчи допинг назорати остида бўлади. Шу боис, ҳатто оддий таблетка истеъмол қилишга ҳам юрагингиз дов бермайди. Оқибатда, рингда ўз имкониятларимни тўла намойиш эта олмадим.

— Маълум танаффусдан сўнг, шу йилнинг февралида Қозоғистонда ўтказилган «Тўртлар турнири» халқаро мусобақасидан совриндор бўлиб қайтдингиз. Анча пайт рингда кўринмай қолганингизни қандай изоҳлайсиз?

— Билсангиз, Лондон Олимпиадасидан кейин Украинада ўтган халқаро мусобақада жиддий жароҳатланиб, олти ой рингдан узоқда бўлдим. Танаффусдан кейин Қозоғистондаги мусобақа биринчи турнирим бўлгани учун ҳам унда кумуш медални қўлга киритганимдан хурсандман. Сўнгра Украинада ўтказилган халқаро турнирдан ғолиб бўлиб қайтдим.

— Келгуси режаларингиз ҳақида ҳам икки оғиз тўхталсангиз...

— Айни вақтда Андижон давлат университетининг жисмоний маданият факультети учинчи босқич талабасиман. Кун тартибимиз жуда тиғиз. Ўқиш, машғулотлар, мусобақалардан деярли бўш вақт орттириш мушкул. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Имкон бўлди, дегунча қишлоққа бориб, онам ва опамдан хабар оламан. Чунки бугунгача эришган ғалабаларимда уларнинг хизматлари жуда катта. Онам ёлғиз бўлишига қарамай опам билан иккимизни ҳеч кимдан кам қилмасдан тарбиялаб, вояга етказди. Онамга «Сизга Олимпиада медалини совға қиламан», деб ваъда берганман. Келгусида бу ваъдамнинг устидан чиқиш учун бор куч ва имкониятимни ишга соламан, албатта.

Олдинда бизни жуда муҳим мусобақалар кутиб турибди. Шу йилнинг 6-17 июл кунлари Қозон (Россия)да XXVII Бутунжаҳон ёзги универсиадаси бўлиб ўтади. Сўнгра, Осиё ва жаҳон чемпионатларида иштирок этамиз. Мақсадим — юртимизга ғалаба билан қайтиш.

Самандар БОБОРАЖАБОВ суҳбатлашди

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Чекиш зарарли эканини яхши биламиз, аммо тамакидан воз кечишга ҳамманинг ҳам иродаси етмайди. Бунинг учун, аввало, инсон ўзини кучли назорат қила олиши лозим.

Статистик маълумотларга қараганда, дунё бўйича 60 фоиз эркаклар, 20 фоиз аёллар тамаки чекишади. Тутаб турган тамакининг ҳарорати 300 даража бўлиб, у ўзидан 400 дан ортиқ турли кимёвий бирикмаларни ажратади. Аксарият чекувчилар қон босими, қандли диабет, юрак ишемияси, ошқозон яраси ва ўпка касаллигидан изтироб чекадилар.

Бу ҳақда психоневролог Абдунаби Абдуназаров шундай дейди: «Никотин қон томирларининг заҳари ҳисобланади.

Умр заволи

Сув борадиган ариқлари бўлмаса, экинлар сувсизланиб, қуриб қолгани каби никотин туфайли қон томирлари ишдан чиқиб, организмда қон яхши айланмайди. Натижада, органларга оқсиллар, ёғлар, минераллар, витаминлар етиб бормайди. Шундан сўнг органлар шикастланади, ишдан чиқади. Бу иссиятга ҳам таъсир қилади. Асаб тизими бузилиб, саратонни келтириб чиқаради. Айниқса, чекувчиларда ўпка раки биринчи ўринда туради. Инсон руҳиятига чекишнинг таъсири ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Ўрганганидан кейин хумор тутади. Ўз вақтида тамаки етиб бормаса, одам асабийлашади, тажанг, серзарда бўлади. Уйқуси бузилади, боши оғрийди, ишида унум бўлмайди».

Тамакининг саломатликка келтирадиган зиёнини била туриб, нима учун бу зарарли одатга ружу қўйиляпти? Мутахассисларнинг фикрича, бунга биринчи сабаб қизиқиш бўлса, иккинчиси катталарга тақлид қилишдир. Бир марта чекиб кўрган инсон тамаки тутуни ҳидини яна татиб кўришни истаб қолади, яна чеккиси келади. Қарабсизки, инсонда чекиш одатга айланади.

Агар чекишга ружу қўйган бўлсангиз, юқоридаги фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, тамаки чекишдан воз кечсангиз, бебаҳо соғлиғингиз мустаҳкамланиши, ҳаётда фаоллигингиз ошиши, умрингизга умр қўшилиши, оилангиз тинчлиги ва атроф-муҳит мусаффолигига катта ҳисса қўшган бўласиз. Соғлиғингиз ўз қўлингизда эканлигини ҳеч қачон унутманг!

Мунира МУҲАММАДИЕВА, ЎзМУ талабаси

ИСТЕЪДОДЛАР ОРАМИЗДА

Мамлакатимизда истеъдод эгаларига қаратилаётган улкан эътибор ўз самарасини бераётир. Буни халқаро саҳналарда эришилаётган ютуқлар тасдиқлаб турибди. Р.Глиэр номидаги мусиқа мактаби ўқувчиси Ихтиёр Воҳидов ҳам ана шундай бахти кулган ёшлардан.

Ватан мадҳин куйга соламан!

Сирдарёнинг Боёвут туманида туғилган Ихтиёр гўдаклигидан мусиқага меҳр қўйди. Бунда, айниқса, бобосининг хизмати катта бўлди. Йўлчи бобо неварасига эртаклар айтиб берар, Комилжон Отаниёзов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Муножот Йўлчиева каби санъаткорларнинг қўшиқлари руҳида тарбиялашга ҳаракат қиларди. Болакай бобосидан ўрганганларини ўзича хиргойи қилиб юрарди.

Ихтиёр боғчада ҳам мактабда меҳрибон устозга дуч келди. Мусиқага бўлган иштиёқини сезган Маҳкам Юнусов унга санъат сирларини ўргата бошлади. Бунинг устига болакай жуда тиришқоқ чиқиб қолди. Устози айтганларини дарров илиб олар, ҳеч нарсани назардан қочирмасди.

Отаси Бахтиёр Мажидов ҳунарманд, онаси Зоҳида Мажидова она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлган ўғлонга барча шароит яратиб берилди. Ихтиёр мактабда ўқиб юрганида тадбирларда фаол иштироки билан кўпчиликнинг эътиборига тушди. Олтинчи синфдан бошлаб у Гулистон шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабига қатнади. Бу ерда у рубоб чалиш сирлари, санъатнинг ўзи учун очилмаган қирраларини пухта ўзлаштирди. Турли танловларда қатнаша бошлади. 2010 йилда Самарқандда ўтган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловида ғолиб бўлди. Овоз имконияти юқорилигини сезган Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов унга пойтахтда ўқишни маслаҳат беради.

Ота-онаси Ихтиёрни Р.Глиэр номидаги мусиқа мактабига олиб келишди. Ўша кунларни у шундай эслайди:

— Ижрочиликда энг қийини академик ижро. Ўқишга келган пайтимда эстрада йўналишига топширмоқчи бўлганман. Мутахассислар овозимни эшитиб кўриб, академик вокал якка хонандалик бўлимига ўтказишни маъқул деб топишган. Бу менга ёқмаган. Ота-онамга телефон қилиб, бошқа соҳа бўйича ўқийман, бўлмаса санъатни ташлайман, деб йиғлаганман. Улар сабр билан ўйлаб кўришимни айтишган. Бу йўналишда ўқиб, ижро маҳоратим ошгани сари қизиқишим ҳам кучайиб борди. Ҳатто меҳр қўйиб қолдим. Бошқа йўналишга ўтказиш таклифи бўлганда ҳам шу йўлдан кетаман, дея қатъий аҳд қилдим.

Бу ерда Ихтиёр устози Сусанна Мирзаева қўл остида турли миллат қўшиқларини куйлай бошлади. 2012 йилда Украинада ўтган мусиқа йўналишидаги халқаро танловда «Ўзбекистон», «Тисоловушка» қўшиқлари билан иштирок этиб, жаҳон мусиқачиларининг эътиборига тушди. Шу йилнинг майида эса Италияда бўлиб ўтган халқаро танловда «Яккадир Тошкент», «Санталучие» қўшиқларини куйлаб, учинчи ўринни қўлга киритди.

— Ушбу танлов икки йилда бир марта ташкил этилади. Ўзга миллат вакиллари олдида куйлаш осон эмас экан. Катта саҳнага чиқиб борарканман, дастлаб ҳаяжонландим. Кўз олдимга юртим Ўзбекистон, менга катта умид билан кўз тутган ота-онам, устозларим келди. Ўзимни тутиб олдим. Мен билан борган кўпчилик дўстларим ҳам фахрли ўринларни олиб қайтишди. Хусусан, мактабдошларим Абдулҳамид халқ чолғу асбоблари ижрочилигида биринчи, Нурбек афғон рубоби чалишда иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Ихтиёрнинг орзулари бир олам. Мусиқа мактабини битиргач, олий ўқув юртига кириш ниятида. «Тинимсиз изланиб, янги-янги қўшиқларимда Ватанга бўлган муҳаббатимни дунё саҳналарида баралла куйлайман», дейди у фахр билан.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши соврини учун мусобақа ўтказилди.

Омад кучлиларга кулиб боқади

Вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоалар — Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Сирдарё вилоятидан келган йигит-қизлар спортнинг мини футбол (ўғил болалар ўртасида) ва волейбол турлари (қизлар ўртасида) бўйича ўзаро беллашдилар.

— Тармоқ тизимидаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган ёшлар, айниқса, қизларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, оммавий тарзда шуғулланишларига шароит яратиш учун барчамиз бирдек масъулмиз, — дейди Транспорт соҳаси маданий-маърифий масалалари бўйича етакчи мутахассис Баҳром Қувватов.

Қизғин ва муросасиз баҳсда Фарғона вилояти спортчиларига омад кулиб боқди. 2-ўрин Қашқадарё вилояти, 3-ўрин Сирдарё вилояти ва 4-ўрин Самарқанд вилояти спортчиларига насиб этди.

— Кўриб турганингиздек, ғолиб бўлиш осон кечмади, — дейди Фарғона шаҳар Транспорт касб-ҳунар коллежи талабаси Улуғбек Ражабов. — Барча-барчанинг мусобақага пухта ҳозирлик кўрганлиги майдонда яққол намоён бўлди. Вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритганимиздан сўнг, мураббийимиз Эркинжон Саидаҳмадов бошчилигида машқларга зўр берганлигимиз қўл келди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шунингдек, иштирокчилар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch» мухбири

БАРКАМОЛ АВЛОД

Дарҳақиқат, кичкинтойга хорижий тилларни ўргатиш катталарга қараганда осон кечади. Айниқса, 4 ёшлан 8 ёшгача бўлган болалар инглиз тилини жуда тез ўзлаштиришади. Баъзи мутахассислар ҳатто болага тил ўргатишни у бир ярим ёшдан ошганидан кейин бошлаш керак, деб ҳисоблашади.

Эътиборда бўлса...

бола чет тилларни тез ўрганади

Бошланғич синф ўқитувчиларининг фикрича, боланинг тилни осон ўрганишида ота ёки онанинг чет тилини билиши муҳим аҳамият касб этади. Агар оиладаги катталардан бирортаси хорижий тилни яхши билса, у бола билан мулоқотда бўлиб, унинг тилни ўрганишига кўмаклашади.

Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, битта болага тил ўргатишдан кўра бир гуруҳни йиғиб (ёки бир нечтасига бир вақтда) иш олиб бориш кўпроқ самара бераркан. Шуни унутмаслик керакки, болага бирданига бир қанча тилни ўргатиш кутилган натижани бермайди. Негаки, кўп тилни бир вақтда ўрганаётган боланинг хаёли чалғиб, сабоқни чала ўзлаштиради.

Болага инглиз тилини ўргатишнинг энг осон усули, у билан содда сўзлашувни йўлга қўйишдир. Уй-рўзғор буюмлари, ўйинчоқлар, расмли эртаклар бунда кўмакчи воситасини ўтайди. Бола билан суҳбатлашаётганда тил ўргатувчи бирор буюм ёки расмдаги манзара бўйича савол бериши, бола инглиз тилида жавоб қайтариши лозим.

Тил ўрганаётган болага қайси ўқитувчи дарс бергани маъқул? Бизнингча , агар уйдагилардан бирортаси чет тилини биласа, тўрт ёшгача бўлган кичкинтойга тил ўргатишнинг соддароқ усулини биладиган педагогга мурожаат этиш зарур. Тўрт ёшдан ошган болага тил ўргатиш учун инглиз тилини мукаммал биладиган мутахассис хизматидан фойдаланаман.

Шуни ҳам унутмангки, мутахассис иштирокисиз ўзингиз фарзандингизга тил ўргатмоқчи бўлсангиз, албатта, қийналасиз. Чунки бола сизнинг олдингизда етарлича масъулиятли бўлмаслиги мумкин, қолаверса, онаси эканлигингиз учун эркалигимни кўтаради қабилида иш тутади ва оқибатда тилни чала ўзлаштиради. Ўқитувчини уйга чақирганингизда эса мутлақо бошқа ҳолат юз беради: у болага қаттиққўллик билан ёндашади, бундай шароитда бола тилни тез ва пухта ўзлаштиради.

Тил ўрганаётган бола билан доимо хушмуомала бўлиш тавсия этилади. Унга бирор нарсани тушунтираётганда турли мисоллар келтириш ва воқеани содда тилда тушунтириш керак. Хулласи, тил ўргатишдан олдин кичкинтойнинг кўнглига йўл топиш зарурлигини унутманг. Акс ҳолда, бола мутахассис билан мулоқотдан безади, бу эса унинг тил ўрганишдан совишига олиб келади.

Кўпгина ота-оналар тил ўргатувчи педагогларнинг кунора машғулот ўтказишини исташади. Шундай йўл тутилса, бола тилни тез фурсатда ўзлаштириб олади, деб ўйлашади. Аслида ундай эмас. Мутахассисларнинг фикрича, болага инглиз тилини ўргатиш машғулоти ҳафтада уч соатдан ошмаслиги керак!

Болакай тил ўрганиш соатидан сўнг то кейинги машғулотга қадар ўрганганларини такрорлайди, шу баробарида олган билимлари мустаҳкамланади. Бундай машғулотларда мутахассислар болалар учун мўлжалланган «Инглиз тилини ўрганамиз» қўлланмаларидан фойдаланганлари маъқул. Ҳеч қачон болага мактаб дарслиги орқали инглиз тилини ўргатишга уринманг, бу фойда бермайди. Аксинча, қўшимча маълумотлар, расмлар ва эртаклар боланинг тил ўрганишида фаол ёрдамчи вазифасини ўташи мумкин.

Тил ўргатаётганда турли ўйинлардан фойдалансангиз, боланинг нутқи тез ривожланади, кўрганини гапириб бериш малакаси шаклланади. Айниқса, инглизча ҳарфлар ёзилган кублардан сўз тузиб, болага қайта-қайта ўқитиш ишингизни осонлаштиради.

Умуман, фарзандингизга тил ўргатишдан аввал ўқитувчи билан маслаҳатлашинг. Боланинг феъл-атворига қараб иш тутиш, оиладаги шарт-шароитни ҳисобга олиш, шунингдек, кўмакчи материаллар (расмлар, китобчалар, алфавитлар ёки ўйинчоқлар)ни жамлаш зарур. Ҳамма нарса кўнглингиздагидек бўлганидан сўнггина кичкинтойга тил ўргатиш машғулотларини бошлайверишингиз мумкин.

Г. ЖАМИЛОВА тайёрлади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 02.30
Topshirildi - 02.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 611 | 19431 nusxada bosildi | 1 2 3 5